



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 6 - fevral

12 -son

Bog‘ot shaharchasi

“INOMJON ISLOMJON QURILISH” masъулияти чекланган жамиятига Боғот туманидаги “Узумзор” шаҳарчаси ШФЙ биноси қурилиши эвазига инвестор учун Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи ҳудудидан ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Узумзор” шаҳарчаси ШФЙ биноси қурилиши инвестори “INOMJON ISLOMJON QURILISH” МЧЖ раҳбари Ғ.Юлдашевнинг ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 17 ноябрдаги ХО-Э-3214-сонли сўровномасини кўриб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг 2020 йилдаги йиғилиш баёнини ҳамда туман ҳокимлиги ва “INOMJON ISLOMJON QURILISH” МЧЖ ўртасида тузилган 2020 йил 15 сентябрдаги “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи комплексини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш бўйича” тузилган 10-2269-сонли БИТИМни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-22 моддалари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги 6,25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Боғот тумани “Узумзор” шаҳарчаси ШФЙ биноси қурилиши инвестори “INOMJON ISLOMJON QURILISH” МЧЖга Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи ҳудудидан туман захира ер майдонидан, Дехқонобод массиви қишлоқ хўжалик

асининг 303 қисман ва 324 қисман контурлари қишлоқ хўжалигида
фойдаланилмайдиган ерлардан умумий ер майдони 1000 квадрат метр ер майдони
доимий фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га;

ШФЙ биносини қуриш эвазига Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи
худудидан ажратиб берилган 1000 квадрат метр ер майдонини батафсил
режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

4. Ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритишни туман ер ресурслари ва давлат
кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибаев)га, ер участкасида объект қурилишини
назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари (А.Курьязов)га, белгиланган
тартибда ер солиғига боғлиқ ҳисоботларни ўзгартириш, солиқларнинг ўз вақтида
тўланишини назорат қилишни туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Жуманиёзов)га
топширилсин.

5. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов), туман ер ресурслари ва
давлат кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибаев) ва “Дехқонобод” маҳалла фуқаролар
йиғини раиси (Э.Сабуров)га доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдонини
жойнинг ўзида (натура)да, далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси
топширилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг
36-моддасининг 6, 10-бандларига асосан доимий фойдаланиш учун ажратилган ер
майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ҳамда ер участкасидан 2 (икки)
йил мобайнида фойдаланилмаганда ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилсин.

7. “INOMJON ISLOMJON QURILISH” МЧЖ раҳбари Ғ.Юлдашевга:

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ер участкасини давлат
рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг
ўринбосари Э.Рўзметов ва А.Курьязовлар зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев